



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil

• 4-iyul

• Shanba

• 79 (30.040)

• www.uzbekistonovozi.uz

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда».

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 июль куни Оқсаройда Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Испания муносабатлари ривожланиб бораётганини, жорий йил май ойида Мадридда Қирол Хуан Карлос билан учрашув чоғида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган келишувларга эришилганини таъкидлади.

— Ташрифингиз Ўзбекистонда Испания, Испанияда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга интилиш кучли эканидан ёрқин далолатдир, — деди Ислам Каримов.

Ўзбекистонда Испания билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қаралади. 2006 йилда Испания Қироллиги билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳукумат қарори, 2009 йилнинг февраль ойида ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Испания ҳам мамлакатимиз билан муносабатлари юксак қадрлайди ва Ўзбекистонга Марказий Осиёнинг етакчи давлати сифатида қарайди.

Ўзбекистон ва Испания халқларининг алоқалари узоқ тарихга эга эканини таъкидлаш жоиз. Олти аср муқаддам Амир Темури саройида испаниялик Руи Гонсалес де Клавихо элчи бўлган. Соҳибқирон эса Мухаммад ал-Қозийни Испанияга элчи этиб тайинлаган. Бир неча асрлик маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар бугун замон руҳида янгича асосда ривожланмоқда.

Ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Парламентлар, оғмулдсманлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилишни қайд этиш ўринлидир. Мамлакатимизда «Техноinvest» (савдо), «Balkan Eksport Import Asia» (курулиш материаллари ишлаб чиқариш), «Maxam Central Asia», «Maxam Uzbekistan» (кимё саноати) каби қатор Ўзбекистон — Испания қўша корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Испаниянинг «Preragado Alimenticios» (озик-овқат саноати), «Atlas Consorcio» (муқобил энергия технологиялари) сингари йирик компаниялари вако-

латхоналари аккредитациядан ўтган.

Испания Ўзбекистоннинг ишончли сармоввий шерикларидан. Икки мамлакат компаниялари ва банклари ўзаро ҳамкорликда тиббиёт, инфратузилма ва бошқа соҳаларда қўша лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. 2000 йилда «Клавихо-Амир Темури» Испания — Ўзбекистон дўстлик уюшмаси тузилган. Мазкур уюшма билан ҳамкорликда 2004 йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Амир Темури давлати билан Испания Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 600 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди, Барселонада Заҳридин Мухаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари испан тилида нашр қилинди.

2008 йил июнь ойида Испания Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалар бўйича институтини «Casa Asia» делегацияси Ўзбекистонга келди. Ушбу ташрифдан кўзланган мақсад маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, кўрғазма, конференция ва семинарлар ташкил этиш орқали Испанияда ўзбек халқининг маданий-маънавий меросини тарғиб қилиш имкониятларини кўриб чиқиш, олий ўқув юрталари ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишдан иборат эди.

Олий ўқув юрталари ўртасидаги алоқалар ҳам фаоллашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Мадрид, Гранада, Алкала де Энарес, Малага университетлари билан бевосита алоқа ўрнатган. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги институтлар Испаниядаги йирик илмий-тадқиқот муассасалари билан қўша тадқиқотлар олиб бормоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Мигель Анхель Моратинос самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Испания Ўзбекистон билан алоқалар қўламини янада кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Испания муносабатларида доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди. (ЎзА)

## Меҳр ва қадр

1949 йил Австриянинг Имст шаҳрида Герман Гмайнер биринчи SOS — болалар шаҳарчасига асос солган. У Иккинчи жаҳон уруши оқибатида ўз оиласи ва уйини, яқинларини йўқотган болаларга ёрдам беришга бел болаган. Ҳомийлар ва ҳаммаслашларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли «SOS — Kinderdorf international» халқаро хайрия ташкилоти бутун дунё болаларига ёрдам бера оладиган даражага етди.



## ТОШКЕНТДА SOS ЁШЛАР УЙИ

Бугунги кунда дунёнинг 132 мамлакатидан 450 та SOS болалар шаҳарчалари фаолият юритаяпти.

Шулардан бири — 1997 йил очилган Тошкент SOS болалар маҳалласи худудда 14 та уй, болалар боғчаси, спорт ва уйин майдончалари мавжуд. Маҳалланинг оддий Меҳрибонлик уйидан фарқи шуки, бу ерда ака-укалар, она-сингиллар бир-биридан ажратилмай, бир оилادا тарбияланади. Болалар SOS «онаси», «ака-ука», «опа-сингил»лари билан яшайдилар. Бу қариндошлик ришталари тарбияланувчилар улғайгандан сўнг ҳам бутун умр бўйи давом этади.

Ўзбекистон SOS болалар маҳаллалари ассоциацияси энг намунали ташкилотларимиздан ҳисобланади, — дейди «SOS — Kinderdorf international» вакили Уғур Зейналлов. — Биз Ўзбекистон давлати ва ҳукуматининг доимий қўллаб-қувватлаши, қўмаги ва ҳамкорлигини гоёт қадрлаймиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда янги-янги лойиҳаларга қўл уряқимиз. Дарҳақиқат, Самарқандда ҳам SOS бо-

лалар маҳалласи ва оғир аҳволга тушган оилалар фарзандларининг вақтинча яшашига мўлжалланган кризис маркази ишга тушди. Бу каби лойиҳаларни бошқа худудларда ҳам амалга ошириш режалаштирилган.

Кунги кеча пойтахтимизнинг Чилонзор тумани 18-мавзеси «Меҳржон» маҳалласида SOS — Ёшлар уйи тантанали равишда очилди. SOS болалар маҳалласида тарбияланиб юрган 14 нафар йилгит-қиз ўз ҳаётларини шу ерда давом эттиридилар.

SOS болалар маҳалласи ўз фарзандларини бирданига мустақил ҳаётга қўйиб юбормайди, — дейди SOS — болалар маҳаллалари ассоциацияси директори ёрдამчиси Хилола Тўраева. — Ёшлар уйи ўсимларимизнинг катта ҳаётга кириб боришларида бир кўприк вазифасини ўтайди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти SOS Ёшлар уйи учун тўққиз қаватли турар жой биносининг биринчи қаватидан бир неча хона-

донни ажратди. Бош ҳомий — «Ўзгазойл» компанияси бинонинг ичи ташини муқамал таъмирлаб, мослаштириб берди. Ётоқхоналар замонавий мебель, гилам, телевизорлар билан жиҳозланган, алоҳида ошхонага эга. Ўсимлар бу ерда тарбиячи ва ошпазлар ардоғида бўладилар.

Янги уйимизда яратилган шароитлардан гоёт қувондик, — дейди SOS болалар маҳалласининг дастлабки қалдирғочларидан бири Зарина Маҳмудова. — Ўқш жойим — Жаҳон тиллари университети қошидаги лицейга энди шу ердан қатнайман. Онамиз янги уйда дастлаб бироз қийналишларингиз мумкин, дегандилар. У нима назарда тутганини энди тушунаганим — онамизнинг иссиқ бағрини тарк этдик, ука-сингилларимизни соғинамиз. Аммо Гулбарчин онам тез-тез хабар олиб турибларини айтди. Ахир ҳамма оилادا ҳам шундай бўлади-ку — фарзандлар улғайиб, қадрдон уйларини тарк этадилар.

Тиббиёт коллежиди ўқиб, ҳамширалик касбини эгаллаётган Барчинонинг ҳам ширин орзулари кўп: коллеждан кейин институтда ўқимқчи.

Болаларнинг одоби-ю хулқини кўриб, уларни тарбиялаганларга раҳмат айтгим келди, — дейди «Меҳржон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси Мавлуда Нурматова. — Болалар бир-бирларига меҳрибон, бир зумда чиқишиб кетдилар.

Тадбир давомида кўп ҳаёгонли лаҳзалар гувоҳи бўлдик. Болаларнинг кўзларида қувонч, эртанги кунга ишончи сездик. Бу ишонч уларга бахш этяётган омилар ҳақида ўйлади. «SOS — Kinderdorf international» халқаро хайрия ташкилоти вакили, ҳомийлар сўзларида ҳам, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, сенатор Фарида Абдурахимованинг кўзлари чакнаб турган қизни бағрига босиб, сўхбатлашяётганида ҳам «Сиз ёлғиз эмасиз! Давлат ва меҳрибон одамлар сизнинг гамқўрингиздир!» деган фикрнинг уқиб олиш қийин эмас эди.

Шарофат Йўлдошева, «Ўзбекистон овози» муҳбири, Абдирови ХАЙДАРОВ олган суратлар

## ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ — ДЕМОКРАТИЯ ОМИЛИ

Тошкентда 1-2 июль кунлари «Сайловлар ва замонавий парламентаризмнинг ривожланиши масалалари: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси ва Ф.Эберт номидаги жағмаранинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Конференцияда Марказий Осиё давлатлари, Бельгия, Германия, Хиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Украина, Франция, Япония давлатларининг экспертлари ва мутахассислари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган сайловлар — мамлакатнинг демократлашуви, давлат ва жамият қурилишининг навбатдаги босқичидир, деб таъкидлади ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Иштван Венцель. Мазкур конференция сиёсий маданият ривожланиши, фуқароларнинг сиёсий ва давлат бошқаруви жараёналарида иштирок этиши, янги

демократиялар ривожланиши истиқболлари бўйича тажриба ва фикр алмашиш имконини беради».

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар тизими, ишчи ва ўзаро узвийлик харақтерга эга, деб таъкидланди конференцияда. Мамлакатимизнинг янги демократик давлат ва жамиятни шакллантиришда, энг аввало, ижтимоий-сиёсий қурилиш, давлат ҳокимияти тизимининг бўлиниши соҳасидаги ютуқлари, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан ва бошқа соҳалардаги кенг қўламли ўзгаришлар Ўзбекистоннинг иқтисодий жадал ривожланишида, халқ турмуши ва фаровонлиги юқалишида ўзининг бевосита инфодасини топмоқда.

«Les milieux des Empires» француз электрон нашрининг бош муҳаррири Сильвие д'Изари таъкидлаганидек, «Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар парламент фуқаролик жамиятига хизмат қиладиганлиги тўғрисидаги фикрнинг далилидир. Ўзбекистоннинг ҳозирги парламенти фаолияти халқаро

ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. Бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган, янги қонунлар қабул қилинган, сайловларга оид қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис мамлакатда фуқаролар ҳуқуқлари ва мафратларини кафолатловчи аниқ юридик механизм яратилган. Бошқача айтганда, амалдаги қонунлар мажмуи сиёсий ранг-баранглик, фирқаро плюрализмини таъминловчи муваффақиятлар гаровидир. Сиёсат ва иқтисодиёт ўзаро боғлиқ. Шу муносабат билан Президент Ислам Каримовнинг «Жаҳон молжавий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури бошқа мамлакатларга намуна бўлиб хизмат қилади».

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакат Конституциясида эълон қилинган қонун устуворлиги асосида миллий давлатчилик ва бошқарувнинг қарор топиши ҳамда ривожланиши борасидаги энг муҳим вазифа сифатида қонун чиқарувчи

ҳокимиятнинг ролини ва таъсирини кучайтириш вазифаси белгиланган. Ушбу жараён доирасида мамлакат парламенти тизими мунтазам такомиллаштирилмоқда ва у бугунги кунда давлат қарорлари қабул қилиниши ҳамда амалга оширилишига фаол таъсир ўтказувчи мустақил ҳокимият тизими ҳисобланади.

АҚШ Миллий демократия институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ричард Глаубнинг фикрича, «эркин ва адолатли сайловлар — демократия асосидир. Ўзлар халқ томонидан сайланган парламент демократия ва қонунларни қўллаш соҳасида муҳим ўрин тутди. Икки палатали парламентнинг яратилиши, сиёсий партияларнинг олиб олинишига оид қонуннинг қилиниши, уларнинг фракциялари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши — Ўзбекистондаги иккита энг демократик институт — сиёсий партиялар ва парламентни қучайтириш йўлидаги амалий қадамлардир. Оқиб демократик сайловлар одамларнинг сиёсий салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятини беради. Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг самарадорли-

гини оширишга йўналтирилган ижобий ўзгаришларни қузатиш кишини гоёт руҳлантиради».

Ўзбекистонда замонавий парламентаризмни ривожлантириш — мамлакатни янада демократлаштириш ва модернизациялаш борасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Бу соҳадаги муҳим ислохотлар, шу жумладан, сиёсий жараёнлар миллий ижтимоий-сиёсий ривожланиш хусусиятларини ва халқаро ҳуқуқ стандартларини эътиборга олган ҳолда, Ўзбек халқининг тажрибаси, бой тарихий ва маданий мероси, қадриятлари ва анъаналари асосида амалга оширилмоқда. Ана шундай кенг қўламли ёндашув самараси ўлароқ мамлакатда ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш тизими бир қатор кўрсаткичлар бўйича дунёнинг ривожланган давлатларидаги шу каби жараёнлардан самаралироқ экани аён бўлади. 2004 йилда ўтган сайлов якунлари бўйича ташкил топган икки палатали парламент фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

(Лавош 2-бетда)

«МУСТАҚИЛЛИК —  
ОЛИЙ  
НЕЪМАТ»

2

ЮҚОРИ СИФАТ,  
МИҚДОРИЙ  
ЎСИШ ВА КУЧАЛИ  
ИЖТИМОИЙ  
ҲИМЯ

3

ҒАЛАБАЛАР  
КУТАМИЗ  
СИЗДАН

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

# ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ — ДЕМОКРАТИЯ ОМИЛИ

Анжуман иштирокчилари ўз чиқишларида таъкидлаганидек, профессионал асосда иш юритувчи Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг самарали фаолияти таъминланди, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди. Қонун ижодкорлиги сифати ва самардорлиги сезиларли даражада ошди. Аъзолари асосан маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидан сайлангани бажарадиган Сенат фаолияти мамлакат ривожланишида муҳим аҳамият касб этадиган қарорларни қабул қилишда умумдавлат ва ҳудудлар манфаатлари мувозанати таъминланди. Мамлакатимиздаги фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтларига парламентнинг қўйи палатасига ва маҳаллий кенгашларга сайловларда, демократик босқичларда иштирок этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Буларнинг барчаси аҳолининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш кўламини кенгайтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ф.Эберт номидаги Жамғарманинг минтақавий вакили Вулф Липинсининг фикрича, «демократия — динамика жараён бўлиб, мутасил ривожланиб боради. Ўзбекистонда айна шундай жараён кечмоқда. Миллий сайлов қонунчилиги барча халқроқ стандартларга жавоб беради. Биз Ўзбекистоннинг замонавий парламент тизimini, уни янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз».

Сиёсий партиялар, уларнинг парламент фракциялари ўртасида фикрлар хилма-хиллиги, рақобатнинг ривожланишига Президент Исрол Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқаруви»ни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонун муҳим омил бўлмоқда. Қонунчилик базаси яратилди ва шу асосда партиялар жамиятимиздаги ўзгаришларнинг ҳал қилувчи ва самарали кучига айланиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида улар амалий тажриба орттирди, сиёсий нуфузи ошди. Сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ҳокимиятнинг ваколатли ва ижро органларини шакллантиришда миллий қонунчиликка ўз ифодасини топган фаол иштирокига доир умумэтироф этилган шакли — сайловлардир.

«Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан барча фуқароларнинг фундаментал, қонунчилик билан қафолашган сайловларда иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган, деб таъкидлади АСЕАН Малайзия юридик асосциациясининг фахрий котиби С.Раҳмақришан. Мен 2004 йилда икки палатали парламентга сайловларда ва 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳорижий қузатувчи сифатида ишти-

(Давомий. Боши 1-бетда)

рок этганман. Нафақат Тошкетда, балки Самарқанд, Бухоро, Хивада сайлов жараёнларини кузатиш имконига эга бўлганман ва аҳолининг электорал фаолига ишонч ҳосил қилганман. Ушбу сайловлар, ҳақиқатдан ҳам, эркин ўтган. Демократик ривожланиш жараёнида сиёсий партиялар тобора кўпроқ ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлиб бормоқда. Сайлов иштирокчиларига ўз ташвиқотларида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқ таъминланган, бу эса одамларга номзодларнинг сайловолди дастурлари афзалликлари ва камчиликларига баҳо бериш имкониятини яратди. Мамлакатда демократик ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири фикрлар эркинлиги мавжудлигидир. Президент Исрол Каримов ташаббуси билан амалга оширилган демократик жараён ислохотларнинг босқичма-босқичлиги таъминлагани асосланган бўлиб, қабул қилинаётган чора-тадбирлар мувозанати ва изчиллигини таъминлайди».

Миллий сайлов қонунчилигининг либераллаштирилиши уни умумжаҳон демократик тенденциялари, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари билан янада уйғунлаштириш мақсадида давом этирилмоқда. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнида иштирок этиш имкониятини сезиларли даражада кенгайтиради. Хусусан, парламентда депутатлик ўринлари сони 150 га етказилди. Шундан 135 ўрин умумий, тенг ва бевосита овоз бериш ҳуқуқи асосида кўппартиявийлик йўли билан бири мажбурий ҳудудий округлар бўйича яширин овоз бериш орқали сайланадиган депутатларга берилади. 15 та ўрин эса мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига кўра Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилади.

Яна бир янгилик — номзодлар эндиликда фақат сиёсий партиялар томонидан илгари сурилади. Зеро, партияларнинг салоҳияти ва жамиятимиздаги мавқеи сезиларли даражада ошди. Бу эса партияларнинг электорат олдидаги масъулиятини янада кучайтиради. Бундан ташқари, уларнинг сайлов жараёнидаги ваколатлари кенгайиб бормоқда. Партияларнинг ваколатли вакили институтини жорий этилиб, унга Марказий сайлов комиссияси томонидан имзо varaқаларининг тўғри тузилганлиги ва сайлов участкаларида овозларни санаш жараёни

текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Бу эса сайлов жараёнининг ошқоралигини таъминлашда яна бир муҳим омил бўлади. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди, сиёсий партияларга сайловчилар билан мустақил равишда учрашувлар ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқи берилди.

«Ўзбекистонга мен икки йил аввал ҳам келган ва мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлган эдим, дейди Ж.Неру номидаги университетнинг халқроқ тадқиқотлар мактаби Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари дастури директори Аджай Кумар Патнаик (Ҳиндистон). Демократиянинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, парламентга кўпроқ ҳокимият берилиши керак. Ўзбекистонда айна шундай жараён кечмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг сиёсий партиялар, уларнинг парламент фракциялари фаолиятига оид хабардорлиги ошмоқда. Демак, сайловда рақобат янада кучаяди. Муҳим ўзгаришлар қаторида шуни қайд этиш керакки, сайловда энди фақат сиёсий партиялар иштирок этади. Шунингдек, парламентда Экологик ҳаракатнинг иштирок этиши билан боғлиқ янги мейвонинг жорий этилишини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Ҳиндистонда биз ҳуқуқматдан парламентда жамоат ташкилотлари иштироки таъминланиши, жумладан, хотин-қизлар учун муайян квота ажратилишини талаб қилиб келмоқдамиз».

«Собиқ Иттифок ҳудудда демократик жараёнларнинг кечishi ҳар бир мамлакатлардаги шарт-шароитга боғлиқ, дейди Украина Миллий фаилар академиясининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқроқ муносабатлар институтининг етакчи илмий ходими Сергей Толстов. Ҳар қайси мамлакат ўзининг демократик, барқарор ва муваффақиятли ривожланиш йўлига эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, бу борадаги энг маълум йўл — эволюцион йўл бўлиб, Ўзбекистон айна шу йўлдан бормоқда. Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш ҳозиргидек юксак суръатларда давом этса, бу мамлакатда қабул қилинаётган чора-тадбирлар самарадорлига ва истиқболдаги тараққиётнинг гарови бўлади».

Вакилик органларига сайловларни ошқоралик, ҳалоллик ва транспарентлик таъминлаш асосида ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мустақил фаолият юритувчи орган — Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов комиссияларининг яхлит, мустақил тизими томонидан таъминланади. Сайлов жараёни давомида Марка-

зий сайлов комиссияси ҳолислик асосида сиёсий партияларга ва уларнинг номзодларига тегишли тадбирларни уюштириш, тенг молиялаш ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кўмаклашиш орқали электоратни ўзларининг сайловолди дастури билан кенгайтириши учун шарт-шароит яратди. Сайлов жараёнида ҳар қандай аралашув қонунчиликка мувофиқ ман қилинади, иштирокчилар учун бирон-бир афзаллик ва устуворлик берилишига йўл қўйилмайди. Буларнинг барчаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ақинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатларининг туман ва шаҳар кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциясида ўз ифодасини топган. Ҳорижий экспертлар қайд этганидек, сайлов жараёнида барча демократик мейвонларга сўзсиз риоя қилинишининг таъминланиши электорат сиёсий маданиятини, аҳолининг сайлов тизимига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

«Ўзбекистонга илк бор 10 йил муқаддам ҳам келган эдим ва ўтган давр мобайнида мамлакатда улкан ўзгаришлар амалга оширилганига гувоҳ бўлиб турибман, дейди «Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё тадқиқотлари» журналининг бош муҳаррири Бинь Чан (Хитой). Аҳолининг турмуш даражаси анча ошган. Ушбу муваффақиятларга Президент Исрол Каримов раҳбарлигида эришилган. Ўзбекистонда демократия ва сайлов тизими ўзига хос хусусиятларга эга ва бу нийоятда муҳимдир. Ҳар бир мамлакат ўз хусусиятларини эътибордан олган ҳолда ривожланади. Ўзбекистон демократик курилиш соҳасида ўз тажрибасига эга. Сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига сайловолди ташвиқотларида ОАВдан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқ берилганлиги — гоат ижобий жиҳатлардандир. Натижада ҳар бир партия ўз сайловолди дастурини тақдим қилиш, халқ эса эркин танлаш имкониятига эга бўлади. Жамиятда оқолиш, ишбилармонлик муҳити янада мустаҳкамланади. Буларнинг барчаси мамлакатда демократия ривожланганлиги, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминланганлигидан далолатдир».

«Конференцияда иштирок этган миллий ва ҳорижий мутахассислар Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда замонавий парламентаризм, сайлов қонунчилиги ва сайлов тизими ривожланиши бўйича фикр алмашди.

«Фиримча, Ўзбекистонда ривожланиш ва тараққиёт этиш учун юксак салоҳият мавжуд, дейди Гамбург шаҳри маъмурий суди вакили

Хендрик Лакнер (Германия). Муҳим, парламентда турли партиялар қарашлари плюрализи таъминланган. Партиялар ҳам, ҳукумат ҳам бошқа мамлакатлар билан фикр ва тажриба алмашишдан манфаатдорлиги ижобий аҳамиятга эга, бунинг анжуман бунга яққол тасдиғидир. Ўзбекистонда давлат сиёсий партияларини молиялаш ва сайлов кампанияси давомида бошқа тенг шароитларни яратишни таъминлади. Германияда ҳам ҳукумат сайловда иштирок этувчи партияларга муайян миқдорда маблағ ажратади».

«Ҳар бир мамлакат ўзининг демократик ривожланиш тажрибасига эга, аммо, бунда энг муҳими — фуқароларга сайлаш ва сайланиш бўйича қафолашган имкониятларнинг яратилишидир, деб ҳисоблайди Киргизистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик таҳлил ва баҳолаш институтининг бош илмий ходими Айнура Уметова. Ўзбекистон қонунчилигидаги сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институтини киритилгани, унга имзо varaқаларининг тўғри тузилганлиги ва сайлов участкаларида овозларни санаш жараёнини текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилгани гоат тўғри қадам бўлди. Шу билан бирга Экологик ҳаракатга квоталар ажратилиши фуқаролик ташаббуси давлат ва парламент даражасида амалий кўмакка эга бўлиш имконияти беради. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг демократияни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамларидандир».

Ҳорижий таҳлилчилар ўз чиқишларида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда фуқаролар сайлов ҳуқуқларини амалга оширишининг ишончли тизими, аҳоли ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида эркин ва фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шарт-шароитлар яратилган.

«Ўзбекистон самарали парламент тизимига эга, деб ҳисоблайди Жанубий корейлик эксперт Хо Юн На. Ҳунда турлича парламент тизимлари мавжуд, аммо демократия ривожланишининг умумий тенденциялари бор. Фуқаролар демократик жамият нима эканлигини англаб етиши, бири-бирларининг фикрларини тушуниши ва ҳурмат қилишга ўрганиши керак. Жамиятда барқарорлини мустаҳкамлашнинг муҳим шартини — аҳоли таълим даражаси ва нормал турмуш шароити билан боғлиқ, Ўзбекистонда ушбу масалаларга улкан эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор, деб ҳисоблайман. Мамлакат сайлов қонунчилигидаги, парламент ва сайлов тизимидаги ҳаётбахш ўзгаришлар демократик жараённинг изчил ри-

вожланаётганидан далолатдир. Турли сиёсий партияларнинг мавжудлиги эса одамларга эркин танлаш имкониятини беради. Мамлакатингиз раҳбари гоат кучли шахс, ишончли қомилки, унинг раҳбарлигида Ўзбекистон барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ислохотларни давом эттираверади».

Айни пайтда таъкидландики, демократиянинг универсал модели йўқ, ҳар бир давлат ўзининг ривожланиш хусусиятларига, тарихий ва миллий анъаналарига, шунингдек, аҳолисининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, ижтимоий фаолига мос демократия воситаларидан фойдаланишга ҳақли.

Қозғоистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик тадқиқотлар институтининг етакчи илмий ходими Тимур Қозиревнинг фикрича, «Ўзбекистон сайлов қонунчилиги, парламент ва сайлов тизимларининг ривожланиши асосий халқаро мейвонларга мос. Бироқ, барча учун умумий стандартлар йўқ, бунда ҳар бир мамлакат ўз жамиятининг эҳтиёжларига асосланади. Парламент тизимига Экологик ҳаракатни сиёсий тузилмага айлантириш мақсадан туриб киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Марказий Осиё учун экология мавзуси, айниқса, Орол денгизи ҳалокати нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Умуман, сайлов тўғрисидаги қонунчиликка киритилган ўзгаришларнинг амалиётга жорий қилиниши Ўзбекистон сиёсий тизимига янада кўпроқ ошқоралик ва изчиллик бағишлайди».

Сингапур Миллий университети қозғоиди сиёсий тадқиқотлар институтининг бош илмий ходими Ли Юн Юнг фикрича, «Ўзбекистонда парламент тизими жадал ривожланмоқда. Турли мамлакатлар экспертлари иштирокида ўтказилаётган ушбу халқроқ анжуманининг ўзи ҳам мамлакатнинг замонавий парламент тизimini шакллантиришга бўлган алоҳида эътибордан далолатдир. Ўзбекистонга келишдан олдин турли манбалардан мамлакатнинг ҳақида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилдим ва шунга амин бўлдимки, Ўзбекистоннинг муваффақиятли ривожланиши учун кенг қўламини ишлар амалга оширилган. Жамиятни либераллаштириш ва демократлаштириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар тараққиётга ва одамлар турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистонда таъминланган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайди».

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда демократик курилиш, шу жумладан, замонавий парламентаризмни, сайлов қонунчилигини шакллантириш, эркин, ошқора ва адолатли сайловларни ўтказиш бўйича тулган тажрибанинг қўллаб-қувватлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА муҳбири

## ЎзХДП ҳаёти

### «МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ»

мавзусида семинар бўлиб ўтди

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилинган маъмур семинарда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамини тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти, унда қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан амалий тақлиф-лоийҳалар ишлаб чиқилди ва муҳокама этилди.

Вилоят партия кенгаши раиси Раимбергн Сабуров, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқарма-

си бошлиги Самандар Худойбергннов ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Шухрат Норбоевлар мустақилликнинг тарихий аҳамияти, ҳуқуқ ва имкониятлари ҳақида сўз юритишди. Семинарнинг амалий қисмида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, байрамолди тадбирларни ёдда қолари даражада ўтказиш, тарғибот-ташвиқотнинг энг самарали усулларидан фойдаланиш юзасидан фикрлашди. Энг улуг, энг азиз байрамга муносиб тайёргарлик қилиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**  
**«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

### САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорликда «Сайловлар демократиянинг муҳим воситаси» мавзусида давра суҳбатини ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгаши фаоллари, депутатлар, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қашқадарё минтақавий ахборот-таҳлил маркази ходимлари иштирок этиди.

Вилоят партия кенгаши раиси Рашид Муртазаев, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти минтақавий ахборот-таҳлил маркази раҳбари Рустам Аннаев мавзу юзасидан маъруза қилди.

Давра суҳбатида асосий эътибор Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик қилиш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияни ўрганиб чиқишга қаратилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Яқинда Жиззах политехника институти битирувчи талабалари учун анъанавий бўш иш ўринлари кўргазмаси ўтказилди. Уни институти тури йилларда тамоллаган ва ҳозирда ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат қилаётган собиқ талабалар билан алоқа ўрнатиш мақсадида ташкил этилган «Политехник» клуби уюштирди.

### ЁШЛАР ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

— Клубимиз уч йилдан бери битирувчи талабаларни иختисосликлари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш келаяпти, — дейди клуб раҳбари ўринбой Қўлдошев. — Бу галги кўргазмада вилоят меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси, архитектура ва қурилиш бошқармаси, «Ишонч» кредит уюмчаси, тижорат банклари сингари 57 та корхона ҳамда муассасалар 270 дан зиёд бўш

иш ўринлари билан иштирок этди. — Мақсадим меъморчилик ва қурилиш соҳасида ишлаш эди, — дейди институт битирувчиси Шерзод Абдумуинов. — Кўргазма айни мўддао бўлди. Ишга жойлаштириш бўйича вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси билан шартнома имзоладим. Институти тамоллаганимдан сўнг ана шу даргоҳда ишлайман. (Ўз муҳбиримиз)

### «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида қишлоқларда фаолият кўрсатётган қишлоқ врачлик пунктларини зарур тиббий ускуналар, автотранспортлар билан таъминлаш белгиланган. Хоразм вилояти бўйича ўн битта бориш қўйин бўлган қишлоқлардаги ҚВПларни санитария транспорти билан таъминлаш режаси амалга ошди. Яқинда 23 та «Дамас» русумли автоуловлар ана шу шифо масканларига топширилди.

### ҚВПЛАРГА МАШИНАЛАР

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари маълумотларига кўра, бу йил яна олтига «Хундай» русумли автотранспорт ҳам олинди. Шу билан вилоятнинг барча туманлари, қишлоқ жойлариди шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари ўша санитария транспорти билан таъминланади. Бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имконини яратди.

(Ўз муҳбиримиз)

Авалло, таҳририятга келган, 30 нафар фуқаро имзо чеккан шикоят хатини ўқийлик: «Давлатимиз раҳбарининг республика иқтисодиёти барқарорлаштириш, янги иш ўринларини яратиш, иш билан таъминлаш, янгиликларни жорий қилиш борасидаги кўрсатмаларини амалга ошириб, Шаҳрисабз туманлараро материал-техника таъминоти ОХЖ фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатишни кучайтириш мақсадида 4 та агроиким марказини ташкил қилди, ўсимлик зараркундаларига қарши ишлатиладиган серталаб, арзон олтингурут кукуни ишлаб чиқарадиган завод қурди. Унинг туманларда филиали очилди. Уларда 80 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган эди. Лекин қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига 10 йилдан буён хизмат кўрсатиб, муҳтожларга ҳомийлик ёрдами бериб келаятган ташкилот банкрот қилинди. Натижада жамиятнинг ишчи-хизматчилари ишсиз қолди...»

Ташкилот иқтисодида оид ҳужжат ва маълумотлар билан танишдик. Жамиятнинг ҳайрли ҳомийлик ишлари кўл экан. 2006 йилда боқувчилсини йўқотган оилаларни 16 бош қорамол, 62 хонандонни 265 килограмм гўшт-сут маҳсулотлари, 12 нафар мактаб ўқувчисини қишқи кийим, «Фарангиз» ва «Камолот» болалар боғчаларини 3517 литр сут билан таъминлабди. 2007 йилда ҳам туман ҳокимлигининг қарори билан узоқ тоғли Қўл қишлоғидаги муҳтож оилага, болалар боғчаларига ёрдам берган. Полмон қишлоғидаги қабристонни ободонлаштириш, Каъни, Улоқ, Бўзарик қишлоқларига тоза ичимлик суви чиқариб бериш ишларига кўмақдощ бўлган.

«Бу каби ҳомийлик ишларига қурби етган ташкилот иқтисодий ночор бўлиши мумкинми?» деган ҳақли савол туғилади. Лекин Шаҳрисабз туман Давлат солиқ инспекцияси даъвоасига кўра, Қашқадарё вилоят хўжалик суди 2007 йил 4 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ташкилотни банкрот деб эълон қилади. Апелляция босқичида (2008 йил 23 январь) қарор ўз қучида қолди.

Қашқадарё вилоят прокуратураси кассация протестига асосан Олий хўжалик суди ишни қўриб чиқиб, протестни қаноатлантирди, вилоят суди қарори бекор қилиниб, иш янғидан қўрилуши учун яна биринчи инстанция судига юборилди.

Олий хўжалик суди қонун талаблари бузилганлига эътибор қаратди. Шулардан бири — ХПК 124-моддасига биноан, жавобгар томонга хабар етказилмаганлиги эди. Шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан Шаҳрисабз туманлараро материал таъминоти

ОХЖнинг молиявий фаолияти тўлиқ ўрганилмагани ва қарздорлик бор-йўқлиги ҳолатлари аниқланмагани қайд этилди. Дарҳақиқат, ОХЖ раҳбарияти ташкилоти банк-кредит қилинган бировлардан эшитган, дарҳол (6 декабрда) вилоят хўжалик судининг ўша пайтдаги раисига алоқа хати билан мурожаат қилади. Хатда туман филиалларида ташкилотнинг 1 миллиард 207 миллион сўм ундириб оладиган ҳақи, бундан ташқари, 854,4 миллион сўмлик захирадаги моддий товар бўлиғи, 200,6 миллион сўмлик бошланғич қийматдаги мол-мулки, 40 миллион сўмлик қимматбаҳо қоғозлари борлиғи билдирилади. Бу рақамлар 2008 йил 2 январда ёзилган апелляция шикоят

## КОРХОНА

тида ҳам келтирилган эди. Ташкилотда ўша пайтда ва ҳозир ҳам ҳар бири 27 миллион сўмдан, жами 54 миллион сўм қийматдаги 2 та янги «МТЗ-80» русумли, ҳар бири 14 миллион сўмдан, жами 28 миллион сўмлик 2 та янги «БТС-60» русумли трактор, биттаси 47 миллион сўм, иккинчиси 37 миллион сўм турадиган, жами 84 миллион сўмлик 2 та янги трансформатор, қиймати 82 миллион сўмдан ошадиган 240 қўлбока дори-пуркагич бор. Буларни ҳисобласак, қиймати 248 миллион сўмдан ошади.

Иш янғидан биринчи босқичда қўрилди. Суд йиғилиши 2008 йилнинг 16 июнида судья С.Бердиев раислигида ўтди. Яна ташкилотни банкрот қилиш ҳамда тугатиш юзасидан қарор чиқарилди. Ё.Ғамбардиев тугатиш бўйича суд бошқарувчиси қилиб тайинланди. Янги суд бошқарувчиси жамиятнинг барча ишчи-хизматчиларини ишдан бўшатди, бошқа ҳисобчи тайинланди, тугатиш ишларини бошлаб юборди...

Шу ўринда бир ҳолатга эътиборингизни тортмоқчи эдик. ОХЖ ҳисобчилари туман солиқ инспекцияси ҳисоботларида чалқашлик борлигини бир неча бор айтишган. Ташкилотнинг «Туронбанк» Шаҳрисабз филиалидаги солиқ инспекциясига тегишли 204-ҳисобда катта маблағи бўлиб, ў қўшимча қиймат солиғидан ортиб қолган эди. Давлат солиқ қўмитасига мурожаат қилинди. Шундан сўнг туман солиқ инспекцияси мутасаддилари жамиятнинг ортиқча 107 миллион сўм

Иқтисодиёт

Хиссадорлик жамиятида 1850 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Бутун дунёда иш ўринлари қисқариб, иш ҳақлари пасайган пайтда «Кувасойцемент» бошқаруви 2009 йилнинг ўзида маошларни 15 фоизга оширди, ўртача иш ҳақи 388999 сўмни ташкил этмоқда.

Корхона таркибидан яна бир ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Яна мингдан зиёд ишчи ўрни очилади.

Маълумки, «Кувасойцемент» хиссадорлик жамиятида мамлакатимиздаги энг юқори маркали (яъни сульфатга чидамли) порландцемент ишлаб чиқарилади. Намлик юқори, ҳатто музлаш шароитида ҳам муштаҳам қотадиган бу маҳсулотни нефть ва газ қудуқларини ер ости сувларидан химояловчи бетон ишларини бажаришда, сув остида доимий турадиган пойдеворларни бунёд этишда ишлатиб келинмоқда.

Шунингдек, у халқ ҳўжалиги, қурилиш индустриясининг эса асосий хомашёси айланган. 2008 йилда корхона 810 минг тонна юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарди. Аммо бу ҳар қандай шароитда ҳам қурилиш кўлами ўсиб бораётган Ўзбекистон эҳтиёжи, йилдан йилга хориждан келаётган экспорт

ЮҚОРИ СИФАТ, МИҚДОРИЙ ЎСИШ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

биз эришаётган муваффақиятларнинг асосидир, - дейди «Кувасойцемент» хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Сергей Денищук

миқдорини кўпайтириш ҳақидаги таклифларни қаноатлантириш учун етарли эмас. Муштаҳасилар маҳсулот ҳажминини оширишнинг ягона йўли мавжуд технологиялар самарадорлигини юксалтириш билан боғлиқ деб топдилар.

— Аввало фан ютуқларини жорий этиб, айланма печ ҳаракатини тезлаштиришга эри-

шилди, — дейди корхона техник директори Ш.Тожибоев. — Битта печ унумдорлиги соатига 23 тонна ўрнига 28 тоннага етди. Оқибатда маҳсулот ҳажмини ошириш, хомашё тайёрлайдиган яна бир янги тегирмон бунёд этилишини тақозо этди. Шу йил 1 апрелда йилга 300 минг тонна маҳсулотга хомашё етказиб берадиган янги тегирмон ишга тушди. Энди биз 2009 йилга режалаштирилган 921 минг тонна ўрнига 1 миллион тонна цемент

янги босқичга чиқиб олди, маҳсулотдаги сифат ўзгариши кузатилади.


— Биз цемент маҳсулоти Европа стандартларига жавоб бера олишини аниқлаш учун Британия лабораторияларида синовлар ўтказдик, — дейди хиссадорлик жамияти раиси. — Тест синовини натижаларига кўра, Европа Иттифоқининг BS EN 197-16200 рақамли мувофиқлик стандарт сертификати берилди. Бу билан маҳсулот экспортга энди дунёнинг беш

лан ҳам эътиборга лойиқдир, — дейди ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти раиси Арслон Отанов. — «Роҳат» профилаторияси тўлиқ таъмирланди, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Тиббий масканда йилига 1.500 нафар ишчи-хизматчи ва уларнинг оила-аъзолари соғликлари тикланмоқда. Шунингдек, ўқувчиларнинг ёзги таътил ойларида «Роҳат» профилаторияси қошида 108 ўринли болалар оромгоҳи иш бошлади.

«Кувасойцемент» хиссадорлик жамияти Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида йилга 1 млн. тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга, лойиҳа қиймати 33,2 миллион доллар бўлган тамомила янгича технологияга асосланган яна бир корхонани ўз даромади ҳисобидан Хитойнинг «Чина КАМС инжиниринг» компанияси мутахассислари иштирокида қуриб битказиш арафасида турибди.

У фойдаланишга топширилса, умумий қувватлар икки баробар, ишчи-мутахассислар сони 1,5 баробарга кўпаяди. Бу — Ўзбекистон танлаган иқтисодий ислохотлар йўли нақадар тўғри ва ойдиниқандан далоятдир.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



«ХАНЖАР» ОПЕРАЦИЯСИ кенг миқёсда олиб борилмоқда

АҚШ армиясининг денгиз пйёдалари Афғонистоннинг жанубий музофотида «Толибон» террорчи гуруҳларига қашатқин зарбалар бериш учун кенг миқёсли ҳарбий операция бошлади.

«Ханжар» деб номланган бу операцияда АҚШ армияси иккинчи бригадасининг 4 мингга яқин денгиз пйёдалари ҳамда 650 нафар афғон полицияси ва аскар иштирок этмоқда.

Операция ўтказишдан мақсад мамлакат жанубида ин қуриб олган толибон жангариларини қўлга олиш ва афғон хавфсизлик кучлари ихтиёрига топшириш.

«France Presse» АА маълум қилишича, АҚШ армияси иккинчи бригадаси денгиз пйёдаларининг 7 минг кишилик шахсий таркиби июнь ойи бошларида Афғонистонга жўнатилган.



САЙЛОВНИНГ ИККИНЧИ ТУРИ ўтказилди, лекин...

Халқаро атом энергияси бўйича агентлик (МАГАТЭ) бошқаруви кенгашининг ёпиқ сессиясида агентлик раҳбарлигига иккинчи бор сайлов ўтказилди. Натижалари бугун-эрта маълум қилинади.

«Новости» АА хабарига қараганда, 9 июнда ҳам ёпиқ сайлов ўтказилганди. Аммо 5 номзоддан бирортаси етарли овоз ололмаганди.

МАГАТЭ бошқаруви кенгашига 35 давлат вакиллари аъзо. Қайсики номзод учун уларнинг учдан икки қисми овоз бера, уша шахс МАГАТЭ раҳбарлигига сайланади.


Номзодлар: Жан-Пол Понселе (Бельгия), Юкия Аmano (Япония), Абдул Самад Минти (ЖАР) ва Луис Эчаварри (Испания). Словениялик Эрнест Петрич 30 июнь куни ном-



зодини қайтариб олди. Негаки, 9 июнда бўлиб ўтган сайловда у бирорта ҳам овоз ололмаган. МАГАТЭнинг амалдаги раҳбари Муҳаммад ал-Барадейнинг ваколат мuddати жорий йил ноябрда тугайди. У ушбу ташкилотни 1997 йилдан бери бошқариб келмоқда. 2005 йили ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш ва тинчлик мақсадларида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида хавфсизлиқни таъминлашдаги хизматлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган.



Суратлар муаллифи Муқимжон КОДИРОВ.



ЯНГИ АВТОМОБИЛЛАР қишлоқ алоқа бўлимларига

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Жиззах филиали Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоятнинг олис қишлоқларида яшаётган аҳолига намунали почта-алоқа хизмати кўрсатишга алоҳида эътибор қаратаётган. Шу мақсадда яқинда филиалнинг чекка Зафаробод, Фориш ва Пахтакор туманларидаги почта-алоқа тармоқлари янги «Дамас» автомобиллари билан таъминланди.

«Кўчма алоқа» бўлимларимиз қишлоқларга хат-хабар, газета-журналларни ўз вақтида етказиб бериш бораборида жойларда аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш билан ҳам шўғулланади, — дейди филиал бошлиғи Бахтиёр Хошимов. Ҳар учала тумандаги чекка қишлоқларнинг аҳолиси бундай қулайликдан мамнун эканликларини изҳор этишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ТЕНГИ ЙЎҚ ХОМАШЁ

Ҳар куни истеъмол қилаётган ош тузимиз худди шундай хусусиятга эга. Масалан, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи барпо этиш мобайлида қазиб олинётган ош тузидан мамлакатимиздаги корхоналарда каустик сода ишлаб чиқарилади. Маълумки, «Усовун, бўёқ, сунъий тола» ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш учун ишлатилади. Бундан ташқари, Тегакўтон конидан қазиб олинётган ва Германияда сертифициқлаштирилган ўтган ош тузига мамлакатимиздаги иссиқлик электр станцияларида ҳам

эйтиёж катта. Ҳўш, завод ҳали тўлиқ қурилмаган экан, хомашё қандай олинганга? Маълумки, ҳозир мажмуа қурилишида бир дақиқада 7 тонна тоғ жинсларини қўпорадиган қудратли «Урал — 20Р» комбайни ишлатилаётган. Бу комбайндан қарийб 50 метр чуқурлик ва 400 метр узунликдаги хандақларда фойдаланилмоқда. Қудратли машина ош тузи қатламини қазиб ўтиб, иккин-

чи — калийли туз қатламини очиб ва конни ўзлаштиришни бошлаб беришдан иборат. Ҳозирча қазиб олинётган ош тузи қатламиндан чиқаётган хомашё тоғ мажмуасидаги махсус очик оғорда тўланапти. Кейин темир йўл орқали сансет корхоналарига етказиб берилади. Бошқача қилиб айтганда, қуриллажак улкан мажмуа ҳозирданқ маҳсулот бормоқда.

(Ўз мухбиримиз)

маблаг иборлигини эътироф этишди. Қашқадарё вилоят солиқ бошқармаси жиддий текшириш ўтказганда, юқоридаги микдор яна кўпайди. Ташкилотнинг 2006-2007 йиллардаги молиявий-ҳўжалик фойалияти натижасида қўшилган қиймат солиғи бўйича жами 138918,5 минг сўмлик манфий қолдиқ борлиги маълум бўлди. Вилоят солиқ бошқармасидан хамият раисига 2008 йил февралда келган хатда «қиймат солиғи бўйича юзага келган манфий қолдиқ навбатдаги тўлов учун ҳисобга олинди», дейилган эди.

Шу ўринда ташкилотдаги қарздорлик нимадан келиб чиққанига ҳам эътибор қаратай-

кадрлар қўнимсизлиги юз берди. Бири келиб, бири кетаётган раҳбарлар ўзларининг бевосита вазифалари бўлса-да, қарздорликни бартараф этиш чораларини кўрмадилар. Бизнинг фикримизча, «Ўқимёсоано» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли Қашқадарё вилоят АЖнинг бугунги талабларга мослашувини таъминлаш учун иш тузимини бутунлай ўзгартириш, базалар, туманлардаги филиаллар бевосита ўзлари шартнома тузиб, мамлакатимиздаги корхоналарга ўз вақтида маблаг ўтказиб беришига эришиш лозим эди.

— Агар шундай бўлганда, чиқарган маҳсулотларимизнинг ҳақини аллақонан ундириб олган, солиқдан ва бошқа ташкилотлардан қарз вужудга келмаган бўларди, — дейди Шахрисабз ОХЖнинг раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Азам Вафоев. — Ўз вақтида юз-хотир қилмай, туман фи-

солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтказди. Бугун эса МЧЖ заводни бутунлай ўзига қаратиб олишга уринмоқда... Бу томондан эса корхонамиз банкрот қилинапти... Ҳуллас, ҳозир банкрот деб эълон қилинган ташкилотда тугатиш ишлари кетмоқда. Суд бошқарувчиси Ёқуб Эгамбердиев хизмат доирасига кўра, аллақонан хамиятнинг солиқ идораси ҳисобида ҳаракатсиз турган 138 миллион сўмдан ортик маблаг ивазига мавжуд қарзни узиши, судга ҳисобот топшириб, «вазифани бажардим», дейиши лозим эди. «Банкротлик тўғрисида»ги қонун талаблари шунга тақоза этади. Аммо суд бошқарувчиси бундай йўл тутмади. Аксична, 270 миллион сўмлик маҳсулотни сотувга чиқариб, яна катта қарздорликни вужудга келтирди. Унинг бошқа ҳаракатлари ҳам галати. Масалан, «Туронбанк» Шахрисабз филиали раҳбариятининг 2009 йил 16 мартда тақдим этган маълумотида банкда Шахрисабз ОХЖнинг яна 47 миллион сўмга яқин маблаг иборлиги аниқ бўлиб қолди. Бу маблаг бошқа ҳисобларда тўпналиб қолган экан. Суд бошқарувчиси ана шу ҳолатларга эътибор бериши зарур эмасиди. Лекин у бундай қилмади.

Унинг «Ҳисораки гидроқурилиш» трести ҳисобига 550 минг сўм, компьютер таъмирлашга 250 минг сўм ва бошқа ҳисобларга маблаг кўчирганини қандай изоҳлайсиз? Суд бошқарувчиси биринчи навбатда давлат манфаатини ўйлаб иш қилиши, маблагларни аввал ташкилотнинг солиқдан вужудга келган қарзини узишга йўналтириши керакмасми?

Яна такрорлаймиз, ОАЖ етарли мол-мулк, асосий воситаларга эга. Иккинчидан, вазият соғломлашмоқда, вилоят АЖ тепасига янги раҳбар келган. Энди туман филиаллари мутасаддилари ўз қарзларини узишга шошилиб, Шахрисабз ОХЖ ҳисобига тегишли маблагларни ўтказиб беришмоқда. Учинчидан, ташкилотнинг 138 миллион сўмдан зиёд маблаг иборлиги органи ҳисоб рақамида турибди... Ҳозирги шароитда бир корхонани ташкил этиш осон иш эмаслиги беш қўлдек маълум. Шундай экан, аввало, бу ташкилотни соғломлаштириш, қаддини тиклаб олиш учун имкониятлар тўғрисида чуқурроқ ўйлаб қўриш зарур эмасми? Бу саволлар билан тегишли идоралар қизиқиб кўради, деган умиддамыз.

ЮСУП УЗОКОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

НОЧОРМИДИ ЁКИ...

қарзни қоплашга иқтисодий имконияти, мол-мулки етарли бўлган корхонанинг банкрот қилингани ва суд бошқарувчисининг қонун талабларига қай даражада итоат этаётгани хусусида

лик. Туманлардаги филиалларга ўғит, материал-техника етказиб бераётган Шахрисабз туманлараро материал-техника таъминоти ОХЖ Қашқадарё вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг таркибига киради. 51 фоиз акция улуши Шахрисабз ОХЖга тегишли. Вилоят АЖда иш шундай йўлга қўйилганки, мамлакатимиздаги корхоналар билан ўзи битим тузади, аммо келтирилган ўғит, зарур техникаларни базалар ва туманлардаги филиаллари унинг фармойиши билан савдога чиқаради. Ҳуллас, 2005 йилда вилоят АЖнинг курсатмаси билан Шахрисабз ОХЖ ўзи келтирган 2 миллиард 375 миллион 679 минг сўмлик минерал ўғит ва дефолиантни 14 та филиалга етказди. Узаро шартнома тузилади, бироқ олдиндан пул ўтказиш талаб қилинмайди. Негаки, филиаллар ўғит ва дефолиантни фермерларга сотмас, тегишли маблаг ҳосил қилишга қодир эмас. Ҳуллас, йирик маблаг ОХЖ ҳисобига икки йил ичида ҳам тўлиқ ўтказиб берилмайди. Натижада, солиқ ва ташкилотлардан қарздорлик пайдо бўлади. 2004 йилдан буён вилоят АЖда

лиаллари қарзи юзасидан судга мурожаат қилсак бўларкан. Буларни бўлди, аммо ташкилотимизнинг оёққа туриб кетиши, қарзни узишга имконият бораборини исбот қилавериб қарчади. Яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Биз 2002 йилда олтингургуртни қайта ишлаш заводи қуришни бошлаган эдик. Шунда узок Андай қишлоғидаги «Учкун Абдинаби ўғли» кичик корхонасининг эски асфальт заводи борлиги маълум бўлди. Бу кичик корхона ҳовлисини ижарага олдик. Кичик корхона 48 миллион сўмлик мулки билан таъсисчи бўлиб кирди. «Олтингургурт» шўъба корхонасини туздик. Чирчиқдаги «Электромобилсанот» ОХЖ ҳисобига 63 миллион сўм маблаг ўтказиб, ускуналар олиб келдик. 2006 йилдан завод маҳсулот бера бошлади. Ташкилотимизнинг заводдаги улуши 203 миллион сўмдан ортик. Йилга 10-15 минг тонна олтингургурт кукуни ишлаб чиқариш мумкин. Қуввати жиҳатидан республикада олдинги қаторда туради. Ҳуллас, ташкилотимиз бошига ташвиш тушган кунларда «Учкун Абдинаби ўғли» кичик корхонаси янги «Олтингургурт Элегант сервис» МЧЖни тузиб,



Тафсилот

Мексиканинг Канкун курорт шаҳрида дунёни ташвишга солаётган А/Н1Н1 гриппи вируси тарқалишининг олдини олиш ва касалликни бартараф этишга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Икки кунлик ушбу анжуманда 50 та мамлакатдан 80 дан ортик мутахассис иштирок этди.

Мексика Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилининг «Новости» АА мухбирига маълум қилишича, халқаро экспертлар ва мутахассислар ушбу янги турдаги вирус эпидемиясига қарши кураш бўйича мамлакатларда олиб борилаётган ишлар, тажрибалар ва уларнинг натижаларини қўриб чиқяпти.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти жорий йилнинг 1 июль ҳолатига дунёнинг 120 та давлатида 77 минг 201 киши янги вирус штаммларини ўзига юктирганлигини тасдиқлади. Ҳаётдан қўз юганлар сони эса икки кун аввал 311 кишини ташкил этган бўлса, 1 июлда 332 кишига етди. Шу икки куннинг ичида 6 минг 308 киши касалликка чалинган.

Демак, вазият ҳануз ўта эҳтиёткорликни талаб этади. Касалликка энг қўл чалинганлар АҚШликлардир — 27 минг 717 киши, шундан 127 нафари ҳаётдан қўз юмган. Янги вируснинг асосий ўчоғи ҳисобланмиш Мексика эса иккинчи ўринда — 8 минг 395 киши касалланган бўлиб, 116 нафари ҳаёт билан видолашган. Канадада 7 минг 983 киши (25 нафари вафот этган), Буюк Британияда 6 минг 538 киши (3 нафари ноубуд бўлган), Чилида 6 минг 211 киши (12 нафари дунёдан

Жаҳон эпидемиологлари ва вирусологлари шуни аниқ айтишмоқдаки, бу сафар эпидемия қамрови кенг тус олгани билан унинг одамлар умрига зомин бўлиш даражаси у қадар ваҳимали эмас. Негаки, олимлар грипп қўзғатувчилари ва унинг тарқалиш механизмининг ўрганиб чиқдилар. Самарали қарши кураш чоралари ҳақида ҳам симпозиумда тажрибалар алмашди. Бу эса касаллик оғир оқибатларни юзага келтиришига йўл қўймайди.

Манбалар асосида Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

Соғлом авлод — юрт таянчи



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

Пастдаргом туман халқ таълими бўлимига қарашли II «Қалдирғоч» мактабгача таълим муассасаси вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан камқон болалар боғча санаторийсига айлантирилган.

Бу ерда бугунги кунда 140 нафар жажжи болажонлар тарбияланмоқда. 3 нафар врач, 21 нафар ҳамшира, 18 нафар ёрдамчи тарбиячи улар хизматида.

Ҳозирги вақтда боғча санаторийда 4 та тўғарак мавжуд. Боғча тарбияланувчилари вилоят миқёсида ўтказилаётган турли танлов ва тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ушбу даргоҳнинг фидойи педагогларидан Асолат Муродова «Йил тарбиячиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни кўлга кiritган бўлса, яна бир мураббий Холда Хўжамуродова жорий йилда Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Шавкат АКРОМОВ олган суратлар.



Сингапурда ўсмирлар ўртасида 1-Осиё ўйинлари қизғин давом этаёпти. Ушбу пуфузли мусобақада қитъамизнинг 45 мамлакатидан келган 1300 нафар ўсмир спортнинг 9 турида жами 90 та медаллар шодаси учун кураш олиб боришади.

Улар орасида юртимизнинг 31 нафар иқтидорли ўсмири ҳам бор.



29 июнь кuni мусобақанинг тантанали очилиш маросимида «Осиё ёшлари — бизнинг келажигимиз» сўзлари билан бошланувчи 1-Осиё ўсмирлар ўйинларининг мадҳияси янгради. Дарҳақиқат, «кичик олимпиада» номини олган бу мусобақада қатнашаётган ёшлар кейинчалик универсиада, Осиё ўйинлари, олимпиадаларда ўзларининг спортдаги маҳоратларини намойиш қилишади. Шунинг қувонч билан таъ-


УЧТА БРОНЗА МЕДАЛЬ

Кидлашимиз лозимки ўзбекистонимиз ёшлари қитъадош тенгдошлари орасида медаллар учун тенгма-тенг курашишапти. Дастлабки кунги мусобақалардаёқ, енгил атлетика турида Светлана Прошкина 168 см. баландликни забт этиб

Осиё ўсмирлар ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди. Кеча юртдошларимиз жамғармасига иккита бронза медали қўшилди: уч хатлаб сакрашда Руслан Қурбонов ва 100 метрга чалқанча сузишда Юлдуз Кўчқорова мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди. Ҳали мусобақалар ниҳоясига етгани йўқ. Демак, ёшларимиз Сингапурдаги спорт майдонларида маҳоратларини кўрсатишлари имконият бор.

Махсуд МУРТОЗАЕВ

1 июль кuni Белградда 25-Бутунжаҳон ёзги универсиада мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. «Фан — Спорт — Дўстлик — Тинчлик» шiori остида уюштирилаётган олий ўқув юртлири талабаларининг ушбу мусобақалари 1960 йилдан бунён ўтказиб келинади.




ҒАЛАБАЛАР КУТАМИЗ СИЗДАН

Мамлакатимиз талаба спортчилари бундай мусобақаларда ҳам доғруғли ғалабаларга эришган. Жумладан, олдинги универсиадаларда таниқли курашчимиз Абдулла Тангриев дзюдо мусобақаларида икки бор олтин медал билан тақдирланган. Икки йил аввалги мусобақада дзюдочи Хуршид Набиев ҳам шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилганди.

одинларини давом эттиришига ишонсак бўлади.

Универсиада 12 июлгача давом этади. (Ўз мухбиримиз)



Психолог маслаҳати

Қандай ва қанча ухлаш тўғри, деган саволлар кўпчиликни қизиқтиради керак. Айниқса, ҳозирги кунда одамлар уйқусизликдан шикоят қилиб турганда. Масалан, Америкадаги врачлар ўз миқозларига 2004 йили уйқусизликка қарши 35 миллион дори рецепти ёзиб беришган. Бутун жаҳонда уйқусизлик дарди кундан кунга кучайиб бормоқда. Охириги тўрт йил ичида 20 ёшдан 44 ёшгача бўлган аҳоли орасида уйқусизлик икки баробар ошган.



Ҳозиргача олимлар орасида инсон нима учун ухлайди деган саволга аниқ ва пухта жавоб топиш қийин. Ҳўп, инсонлар нима учун ухлайди. Олимларнинг бу саволга берадиган энг охириги жавобларидан бири, бу — инсон организмидан кун давомида ишлагандан кейин туниги уйқуда дам олади. Аммо шундай дейдиган бўлсак, уйқуда қилинган иштиролар ва уйқуда бизнинг умуман, ҳаётдан узилиб қолмаслигимиз, жисмимиз иш фаолиятини давом эттиришини қандай изоҳлаймиз?

УЙҚУ НИМА?

Энг оддий тушунарлардан бири, бу кучли чарчадан кейин қаттиқ уйқуга кетган бўлсак ва ён атрофдаги шовқин-суронларни ҳам эшитмасдан ухлаб қолганимизда ҳам нимагадир ўз исмига эришиб қачонки қаттиқ уйқусини ўз шахсиятига боғлиқ воқеалардан узилиб қолиш даражасида уйқуга кетмайди. Яна бир мисол, инсон гипноз уйқусида ухлатилганда ҳам у ўз ахлоқига қарши ҳаракатларни бажармас экан.

норма 6-8 соат деб кўрсатилади. Кизиги шундаки, америкалик олимларнинг 6 йил давомида бир неча миллион кишиларни кузатиши шунини кўрсатгани, суткасига 6-7 соат ухлаганлар орасида 8 соат ва ундан кўпроқ ухлаганларга қараганда ўлим анча паст экан. Шунинг учун бизнинг шарқлик донишмандлар бекорга айтишмаган: «кам е, кам ухла».

Умуман ухламаслик, ёки узоқ муддат ухламасдан яшаш мумкинми? Одатда инсоннинг узоқ вақт ухламасдан яшаш мумкин эмасга ўхшайди. Бунга қарши турли мисоллар келтирилади. Масалан, Покистонда бир киши ўз оиласи ҳалокати фожиасини эшитгандан кейин умрининг охиригача — 70 йил давомида ухламаган экан. Яна бир мисол, 1964 йили 17 яшар Ренди исмли киши 264 соату 12 минут ухламаган. Аммо у шундан кейин 15 соат қотиб ухлаган.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, уйқу уч турда бўлади. Тез уйқу, яъни бир неча дақиқа ичида ухлаб туриш. Енгил уйқу, ён атрофдаги воқеалардан салкам узилмасдан ухлаш ва чуқур уйқу — бизда бунинг оддийроқ қилиб қотиб ухлаш дейишади.

Биз ҳар уйқуга кетишимизда уйқунинг мана шу учалла босқичини ҳам босиб ўтатишимиз ва бу уйқуимиз давомида босқичма-босқич такрорланиши туради. Инсон уйқуси билан боғлиқ яна бир қизиқ ҳолат уйқусирокликдир (инглизлар уни слиппволкер, руслар лунатик дейишади, илмий атамаси — сомнамбула). Уйқусироклик ҳолатида инсон ухлаб ётган жойидан туриб бирор жойга бориши, ошхонага чиқиб овқатланиши, уй-рўзгор ишларини бажариши, аммо эртасига ўзи шундай қилганини билмаслиги ва айтиб беролмаслигидир. Шу бугунгача таъкидланиб келинаётган, яъни уйқусирокларни бундай ҳолатдагида уйғотмаслик кераклиги, агарда улар уйғотилса фожиа юз бериши мумкинлиги фанда, олимларнинг кузатувида таъкидланмаган.

Кизиги шундаки, одамларнинг қандай ҳолатларда ва қай тарзда ухлашига қараб уларнинг хусусиятларини ҳам айтиб бериш мумкинлиги аниқланган. Шундай экан, қанча ва қандай ухлашигизга эътиборсиз бўлманг. Махмуд ЙЎЛДОШЕВ, психология фанлари номзоди.

Жаҳон ҳикматлари хазинасидан

КИМ БИР ҚЎЛИ БИЛАН БЕРСА, ИККИ ҚЎЛИ БИЛАН ОЛАДИ

Бу кўҳна дунёда барча авлодларга сабоқ бўладиган ҳикматлар хазинасини қолдирган кўлаб донишмандлар, ёзувчилар яшаб ўтишган. Америкалик машҳур ёзувчи Ог Мандино (1923-1996) ўсмирликдаёқ етим қолган бўлишига қарамай ҳаётнинг оғир синовларидан мардонвор ўтди. Эътиборингизга унинг «АКАБАР УМИДНОМА-СИ» китобидан олинган ҳикматларни ҳавола қиламиз.

Оломоннинг олтин ва шухрат учун уюштирилган беҳосият пойғасига қўшилма. Юз бурган вақтинг, очкўзлик ва шухратпарастлик касалигининг аянчли тўс-тўполонига эътибор берма. Муваффақиятсизлик ва омадсизликка учрасанг кўз ёш тўйма. Елканга тушган оғир юкни иргитиб ташлаб, кўнглинг хотиржам бўлгунча дам ол. Дунёда ҳақиқат ўзинга хос яша. «Ҳозир» — уйлаб улғурмасингдан ортда қолади, чунки сенинг ҳаётинг нари борса икки мангулик ўртасидаги оний лаҳзадир. Довиораклики одат қил. Узинга ваҳима бўлиб туюлган ишларга кириш ва ғалабаларингдан мағрурлан. Кўчқувватингизни эзгу мақсадга йўналтир. Ҳамма жойда бўлиш — бу ҳеч жойда бўлмаслик билан тенг. Энг катта бойлигинг бўлган вақтингизни қадрла. Мақсадинга танқидий ёндаш. Бирор мақсадга эришишдан аввал шундай мақсадга эришган одамлар аҳолига қара, улар бахтлими? Яқинларингизга меҳр-муруват кўрсат. Елғиз қолганинда яқинларингиз қадрини билганини эслаб тур.

Амалга ошмайдиган ниятларингизни чеккага суриб, жуда арзимас бўлиб кўринган кундалик юмушларингизни охирига етказ. Ҳамма буюк ишлар қаттиқ меҳнат ва ишонч эвазига амалга оширилган. Бардошли бўл. Керак пайт қатъият кўрсат. Ночор аҳволда қолганинда ҳеч кимни айблама, сен шу кўйга танлаш ҳуқуқингизни суистеъмол қилганинг учун тушгансан. Фақирликда бўлса ҳам ҳалол кун кечир, қабрингга олтин орқалаб кетишни кўзлагандан кўра бошқа муҳимроқ иш билан шугуллан. Ҳеч қачон ярим йўлда тўхтама. Ташвиш ва хавотир — умр

Занглири, кечаги юкингни бугунгисига қўшсанг кўтариш қийин кечади. Узингни аяма ва омад юз ўғирганда руҳингни туширма. Агар эҳтиёж сезсанг омадсизликка учрамайсан. Узгалардан яшашни ўрган. Кимки ўзидан ўзи ўрганса, бу ялқовликдан бошқа нарса эмас. Узингни чор-атрофда ҳасадўйлар қараб турган майдонда билиб, мақсад сари интил. Мақтовга берилма. Агар ўзингдан гурурлана бошласанг, ўтган умрингга синчиклаб қара, популингни пасайтириб қўядиган сабаблар борлигини кўрасан. Оқилона фикр юрит. Тушуш, одамлар тенг қилиб яратилган, чунки табиатда мувозанат бор, ўз иқтидори билан туғилмаган одам ҳали дунёга келмаган. Ҳар кунни астойдил ишла, гўё бугун сенинг охириги кунинг, одамларга ширин муомала қил, гўё улар шу кечада вафот этишадигандай. Ҳамминни бирдай сев, ҳатто ўзинг унча хуш кўрмайдиган кишиларни ҳам, негаки нафрат сен ўзингга раво кўрмайдиган ортиқча юкдир.

Доим ёрдамнинг муҳтож одамларни қидир. Унутма, ким бир қўли билан берса икки қўли билан олади. Кулиб-қувнаб юр. Энг муҳим ҳақиқат шу: бахтли бўлиш учун кўп нарса керак эмас. Осмонга қара, юксакликка интил. Ҳар бир ишнинг Парвардигор иродаси билан амалга ошир, кетар бўлсанг, лабларингизда табассум ва кўнглинг хотиржам мангулик сари йўл ол. Кетганингдан сўнг одамлар сен келган вақтингдагига нисбатан гўзалроқ дунёни меҳор қолдирганинг тўғрисида гапирсинлар. Асрор МЎМИН таржимаси.

Ўзбекистон халқро экспедиторлар уюшмаси ва транспорт-экспедиторлик ташкилотлари жамоалари Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайховга падари бузруквори ЭРКИН отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайховга падари бузруквори Эркин Шайховнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Table with editorial and contact information including names like BOSH MUHARRIR, SAFAR OSTONOV, and various regional offices.